
Яшил макон

Президентимиз ташаббуслари билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида "Долзарб 40 кун" эълон қилиниб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишга старт берилди. Ушбу эзгу ишлар билан мамлакатимизда жами 75 миллион дона дарахт кўчатлари экиш ишлари режалаштирилган. Худудларга эзгу ниятлар ила дарахт кўчатлари экилмоқда. Жумладан, туманимизда ҳам. Мактабгача таълим ташкилоти томонида бугун 200 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бу хайрли иш қизғин давом этмоқда.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-10-24 09:03:51